



## ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУНЁДКОРЛИК МАКТАБИ, ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТИМИЗ РАМЗИ

Президент Шавкат Мирзиёев 29 январь куни Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.



Бу мажмуа тарихимизда илгари бўлмаган улкан ва ноёб лойиҳадир. Бугунги кунда муҳташам бино қад ростлаб, қурилиш якуний босқичга кирган.

Ушбу марказ Президентимизнинг 2017 йил 23 июндаги қарорига биноан бошланиб, 2018 йилги Рамазон ҳайити куни давлатимиз раҳбари унинг пойдеворига тамал тоши қўйган эди.

Бағоят улғувор марказ биноси уч қаватни ташкил этиб, қадимги меъморий обидаларимиз шаклида бунёд этилмоқда. Миллий гумбаз ва пештоқлар, нақшларнинг ажойиб уйғунлиги унга алоҳида кўрк ва салобат бағишлаган. Мажмуанинг тўрт томонида баландлиги 34 метрли пештоқлар, ўртада 65 метрли гумбаз қурилган.

Марказнинг энг асосий қисмида Куръони карим зали бунёд этилмоқда. Бу ерда мусулмон дунёсининг маънавий дурдонаси — қадимий Усмон Муҳсафий жойлаштирилади. Шунингдек, сомонийлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар, Ўзбекхон, теурийлар ва бошқа тарихий сулолалар даврида битилган муқаддас китобимиз нусхалари ва уларнинг эски ўзбек тилидаги таржималари қўйилади. Жаҳондаги энг нодир қўлёзма Куръонлардан намуналар ҳам ўрин олади.

— Халқимизнинг бой ва бетакрор меросига оид кўп китоблар, турли ўлкаларга сочилиб кетган қўлёзмалар, ноёб маълумотлар, санъат асарлари, афсуски, бизга номаълум эди. Мана шу

марказ сабаб бўлиб тарихни ўрганишда катта қадамлар қўйдик, янги манбалар юзга чиқди. Энди буларнинг таъсири, натижаси қандай бўлади? Уларни фақат ёдгорлик сифатида сақлашдан, фаол илмий истеъмолга киритиш, аҳолимиз, ёшларимизга тушунарли тилда етказиш, жаҳон жамоатчилигига кенг тарғиб қилиш керак. Бу даргоҳ нафақат ўтмиш ҳақида ҳикоя қиладиган, балки тарих, бугун ва келажакни боғлайдиган, тараққиётимизнинг асосий йўналишларини белгилаб берадиган ақл-тафаккур маркази бўлиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мажмуада “Исломдан аввалги цивилизациялар”, “Биринчи Ренессанс даври”, “Иккинчи Ренессанс даври”, “Ўзбекистон XX асрада”, “Янги Ўзбекистон — янги Ренессанс” каби бўлимлар ташкил этилади. Президентимиз уларнинг илмий концепцияси, яратилган шароитларга алоҳида эътибор қаратди.

Мазкур даврлар тарихи турли ашёлар, қўлёзма манбалар, суратлар ва мультимедиа воситалари орқали намойиш этилган. Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Бурхониддин Марғиноний, Маҳмуд Замаҳшарий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Али Қушчи каби аллома ва мутафаккирларнинг серқирра фаолияти ҳақида маълумот берилган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Абу Муин Насафий, Қафол Шоший, Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Ахрор Валий каби уламоларнинг ислом маърифати қўшган ҳиссаси атрофлича ёритилган.

Айни вақтда мажмуада Бибихоним, Хонзодабегим, Гавҳаршодбегим, Гулбадан, Нодирабегим, Увайсий, Анбар Отин каби тарихимизда чуқур из қолдирган машҳур аёлларнинг илм-маърифат ҳомиysi сифатидаги фаолияти ҳам ўз ифодасини топган. Бу экспозиция бугунги қизлар учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари марказнинг фаолияти ва аҳамияти ҳақида тўхталди. — Ислом цивилизациясининг, ислом таълимотиининг замини — аслида, илм-фан, маданият, таълим ва тарбиядир. Биз барпо этаётган марказнинг бош ғояси, асоси ҳам шу. Энг муҳим томони — юртимиздаги ислом маданияти билан боғлиқ бир неча минг йиллик қадимий ўтмиш бир жойда — мана шу мажмуада мужассам бўлади. Марказ билан танишган одам ана шу тарихни аяққол кўриб, ислом дини, бу аввало, тинчлик, тараққиёт ва бағрикенглик дини эканини,

Ўзбек халқининг дунё тамаддунига қўшган буюк ҳиссасини англайди, — деди Президент.

Ана шу вазифадан келиб чиққан ҳолда, марказда улғу аждодларимиз меросини чуқур тадқиқ қилиш, уни бугунги куннинг ўткир муаммоларига жавоб бера оладиган ҳаётбахш кучга айлантириш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий номидаги ва бошқа халқаро илмий-маърифий ташкилотлар фаолиятини илмий-услубий жиҳатдан мувофиқлаштириш, биргаликда замонавий таҳдидларга муносиб илмий жавоблар топиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш керак.

— Насиб этса, бу мажмуа ўзимизнинг меъморий тажрибамиз, Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлик мактаби, илмий-маънавий салоҳиятимиз рамзи сифатида тарихга кирди. Ҳар бир бўлимнинг мазмун-моҳияти айни шу мақсадга қаратилиши лозим. Чет элдаги машҳур музей ва кутубхоналар, нуфузли мутахассислар билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани, китоблар, мақолалар нашр этилаётгани эътиборга лойиқ. Бу ишлар доимий ва илмий асосга эга бўлиши учун ишни режали ташкил қилиш керак. Бош мақсадимиз — миллий ўзлигимизни англаш ва англатиш, — деди давлатимиз раҳбари.

Марказ томонидан бир қатор халқаро илмий муассаса ва ташкилотлар, жумладан, ЮНЕСКО, АЙСЕКО билан яқин ҳамкорлик ўрнатилди. 2024 йил августда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида “Буюк аждодлар мероси — Учинчи Ренессанс асоси” мавзусидаги VIII халқаро конгресс ўтказилди. Унда 35 та давлатдан 200 га яқин хорижий олимлар қатнашиб, марказ бўйича қимматли таклиф ва тавсиялар билдирди.

Қурилиш ишлари ва экспозиция билан танишиш жараёнида Шавкат Мирзиёев

марказ фаолиятини ташкил этиш, унинг маъно-мазмунини янада бойитиш ва такомиллаштириш юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Тошкентнинг туризм салоҳиятига бағишланган тақдирот билан ҳам танишди.

Бундай лойиҳалар кўп жойларда бошланган. Бектемир, Мирзо Улуғбек, Миробод, Юнусобод, Яккасарой, Янгиҳаёт туманларида 7/24 тартибда ишлайдиган ўнлаб сайёҳлик манзиллари ташкил этилган.

Тошкентнинг эски шаҳар худуди ўзига хос тарихий аҳамиятга эга. Бу ерга йилнинг барча мавсумида хорижий сайёҳлар кўп келади. Шу боис, ҳудуд туризм хизматларига ихтисослаштирилмоқда. Жумладан, ўтган йили Чорсу бозори ёнидаги Гулбозор маҳалласида шундай кўча ташкил этилган. Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳам ободлаштирилмоқда.

Энди буларга уйғун равишда гастрономик ва туризм кўчаларини ташкил этиш режалаштирилган. Бунинг учун 17 та кўча ва 32 та берк кўча танлаб олинган. Уларда Эски шаҳарнинг ўзига хос меъморий кифёсини сақлаб қолган ҳолда қўшимча инфратузилмалар яратилади.

Бунинг натижасида ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркорлар сони 250 нафарга кўпаяди, 1 минг 500 та иш ўрни очилади. Муҳими, кунлик сайёҳлар сони ҳозирги 4 мингдан 11 мингга кўпайиши кутилмоқда.

Мутасаддиларга тадбиркор ва ҳунармандлар учун қулайликларни кўпайтириш, саёхатларини мазмунли ва қизиқарли ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати сурати.



## Президент ташаббуслари амалда

# ЗАРБДОР ТАЖРИБАСИ: ЯРАТУВЧАНЛИКНИНГ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАЁТГАН ОДАМЛАРНИ БОЙ, БОЙЛАРНИ ТАДБИРКОР ҚИЛМОҚДА

Юртимиз бўйлаб қор ёғиб, эрий бошлаган кунлар. Одатда қалин қордан кейин ҳавонинг заҳри бир оз саниб, эсаётган шамол элас-элас баҳорги шабадани эслаб юборади. Айни саёхатнинг вақти-да! Биз ҳам ижодий жамоа билан тонг сахарлаб сафарга отландик. Манзилимиз — Жиззахнинг Зарбдори. Бир пайтлар Зарбдор худди назардан четда қолган туман эди, лекин ҳозир у ерга эътибор кириб борди, дейди ҳамкасбим. Мен секин бош силкитиб тасдиқлайман — эшитганга эмас, кўрганга ишон.

Бир маҳал тонг ёриша бошлайди. Сирдарё устига қурилган кўприқдан машинамиз секинроқ ўтади — бизда эса фурсатдан фойдаланиб, улғувор дарёга тўйиб қараб олиш имконияти бор. Тонг сахарда тўйиб оқаётган Сирдарёга отаётган тонг шуъласи тушиб мавжланади. Бунда ҳам санъат, ҳам барака акс этган. Ахир серолик мўл-кўликинни нишонаси.



Уч соатлар ўтиб, манзилга етиб бордик. Бугунги Зарбдорда ҳақиқатан ҳаёт қайнаган. Ахир бу ерда мамлакатимиз бўйлаб оммалашаётган Зарбдор тажрибаси пайдо бўлган. Унинг оммалашаётгани ҳам бежиз эмас, чунки у ўзини оқлайпти. Ишсизлик камаймоқда, одамлар даромадга эга бўлмоқда. Хўш,

жараён қандай кечаяпти? Бу натижаларга эришиш учун нималар қилинапти? Бизни Зарбдорга бошлаб келган қизиқиш ҳам айнан шу. Уни ўз кўзимиз билан кўрмоқ, эшитмоқ орузси.

Давоми 4, 5-бетларда

## Долзарб мавзу ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ:

# МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ АСОСИДАГИ ЁРИТИШ ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ

## БОЁВУТ ТУМАНИДАГИ 19-МАКТАБНИНГ БУ БОРАДАГИ НАМУНАЛИ ИШЛАРИ

Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 19-мактаб директори Муҳтарам Ҳасанова узоқ йиллик иш тажрибасига эга фахрий ўқитувчилардан. У ўз саъй-ҳаракатлари билан халқаро лойиҳа грантини ютиб олиб, таълим муассасасини замонавий ва экологик тоза иссиқлик насоси асосида иситиш тизимига ўтказди. Айни пайтда юртимизда ягона бўлган ушбу технология тўлиқ қувватда ишлаб, мактабни экологик тоза иссиқлик манбаи билан таъминляпти.

Икки йилдирки, таълим даргоҳида қишки мавсумни иситиш билан боғлиқ муаммолар барҳам топди, экология учун зарарли бўлган кўмир ва бошқа ёнилғилардан фойдаланишга эҳтиёж қолмаган. Энг паст ҳаво ҳароратида ҳам мактаб биносининг ҳар бурчаги етарлича иситиляпти. Синфхоналардан тортиб, спорт зали, ҳатто йўлакларда ҳам бир маромдаги ҳарорат таъминланган. Муҳими, иссиқлик насоси ишлаган вақтда аввалгидек мактабни кўмир иси тутмайди, энг илгор технологияга асосланган қурилма бинони “яшил” иссиқлик билан таъминляпти.

Жорий йил 27 январь куни давлатимиз раҳбари раислигида “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт” йили давлат дастури лойиҳаси юзасидан ўтказилган йилгида Боёвут туманидаги 19-мактаб

тажрибаси ҳақида сўз юритилиб, уни юртимиздаги бошқа боғча, мактаб ва шифхоналарда жорий қилишни оммалаштириш топшириғи берилди. Мактаб директорининг ташаббусини эътироф этган Президентимиз “Мисол учун, Боёвут туманидаги 19-мактаб директори Муҳтарам Ҳасанова ўзи БМТ кўмағида 200 минг доллар грант ютиб олиб, мактабни иссиқлик насоси асосида иситиш тизимига ўтказган. Бу мутлақо янги технология. Мактабда қўёш панели ўрнатиш учун яна 140 минг долларлик грант олиб келди. Бу орқали мактабни ёритиш ҳам, иссиқлик таъминоти ҳам тўлиқ муқобил энергия асосида бўлади. Мана, фидойилик”, дея таъкидлади.

Давоми 3-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



yuz

# БЕҒАМ, БЕПАРВО, ЛОҚАЙД БЎЛМАЙЛИК!



**Сакинахон САИД ГАЗИЕВА,**  
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати

Ўтган йил 20 декабрь куни давлатимиз раҳбари қарори билан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан маъқулланган 2025-2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури тасдиқланган эди. Дастурда маҳаллий кенгашлар тақлифлари билан мамлакат бўйича 418 та объектни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхат тасдиқланди. Бунга мактаблар, бочкалар, поликлиникалар, маданият саройлари, оқова сув тизимлари, коллектор ва дренаж тизимлари каби объектлар қиради.

## Маҳаллий кенгашларда

ривожлантириш йиллик дастури маҳаллий бюджет параметрлари билан бирга белгиланган муддатларда тасдиқланишига оид тартиб ўрнатилди.

Ушбу тартибга кўра, маҳаллий кенгаш депутатлари мазкур жараёнда ҳудуднинг табиий географик жойлашуви, ихтисослашуви, меҳнат ресурслари ҳамда инфратузилмавий имкониятларини инобатга олган ҳолда саноат, қишлоқ хўжалиги, экспорт, инвестициялар, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқлар бўйича кичик дастурлар ишлаб чиқилиши ва уларнинг

чиқиб, яқна тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинмаган даромад солигининг энг кам ва энг юқори қатъий белгиланган ставкалари доирасида туман (шаҳар)лар кесимида яқна тартибдаги тадбиркорларга қатъий солиқ ставкалари миқдорини белгилаш, солиқ солиш мақсадида қўлланадиган кўчмас мулк ижара қийматининг 1 квадрат метри учун ўрнатилган минимал миқдорларига нисбатан туман (шаҳар)лар кесимида 2 баробаргача

фойдаланганлик учун солиқ ставкаларига 0,7 баробардан 1,5 баробаргача камайтирувчи ёки оширувчи коэффициент қўлаш, норуца қурилиш материаллари бўйича ер қаридан фойдаланганлик учун солиқнинг қатъий белгиланган ставкаларига 1,3 баробаргача оширувчи коэффициент белгилаш имконига эга бўлди.

Буларнинг барчаси маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет даромадлари кўшимча захираларини аниқлаш ва ундириш бўйича манфаатдорлигини оширишга, пировардида эса жойлардаги аҳоли муаммоларини ҳал этишга қаратилади.

Ўтган йил Сенатнинг биринчи мажлисида Президентимиз маҳаллий кенгашлар фаолиятига оид жуда кўплаб дастурил-амал вазифаларини белгилаб берган эди.

Хусусан, қонун ижодкорлиги жараёнига маҳаллий кенгашларни кенг жалб этиш, ҳар бир қонун бўйича уларнинг фикрини олиш амалиётини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлаганди. Мазкур вазифани бажариш мақсадида ўтган йил 11 декабрда Сенат кенгаши қарори билан Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари томонидан қонуналарни кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш тўғрисидаги намунавий низом тасдиқланди.

Ўтган давр мобайнида Сенат томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қонун маҳаллий кенгашларга юборилиб, 1500 га яқин муҳокама ташкил қилинди ва 300 га яқин тақлиф депутатлар томонидан илгари сурилди. Бу эса қонунларда ҳудудий ва умумдавлат манфаатлари уйғун бўлишига, ҳудудларнинг ўзига хос имкониятлари ҳисобга олинишига хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари маҳаллий кенгашлар вазирлик ва идораларнинг қўйи бўғинлари, айниқса, туман ва шаҳар бўлималари билан жойларда янгица ёндашув асосида ишлаши лозимлигини таъкидлаганди. Шу мақсадда ҳозир халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессияларида давлат бошқаруви органлари ҳудудий тузилмалари раҳбарларининг ҳисобот ва ахборотини эшитишнинг намунавий тартиби ишлаб чиқилди.

Ҳудудларни ривожлантириш бора-сарида белгиланган вазифалар ижроси ҳамда “Маҳалла еттилиги” — Кенгаш — Сенат” уч бўғинли ҳамкорлик тизими самарадорлигини янада ошириш мақсадида жорий йил 14 январда Сенат кенгаши қарори асосида “Маҳалла еттилиги” билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш схемаси ва муаммоларни ҳал этиш йўналишлари тасдиқланди. Ҳар бир маҳаллага тегишли вилоят, туман, шаҳар депутатлари, сенаторлар бириктирилди.

Қарорда ҳар йили 15 февралга қадар маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан аҳолини қўйиб келаётган муаммоларни ўрганилиши ҳамда уларни ҳал этиш бўйича тақлифлар тайёрлиниши, 20 февралга қадар маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан тақдим этилган тақлифларни умумлаштириб, келгуси йил учун ишлаб чиқариладиган ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йиллик дастурида инобатга олиш учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятга тақдим қилиниши белгилаб қўйилди.

Маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан ҳар ойда республика даражасидаги муаммолар масалаларни Сенатга тақдим этиб бориш механизми яратилди.

Қайд этиш жоизки, ўтган йили апрель ойида жорий қилинган “Маҳалла еттилиги” — Кенгаш — Сенат” уч бўғинли ҳамкорлик тизими натижасида 2024 йилда ҳудудларда 7,9 мингга яқин лойиҳага маҳаллий кенгашлар депутатлари бириктирилди. “Маҳалла еттилиги” ва ташаббускор фуқаролар билан биргаликда назорат-таҳлил тадбирлари доирасида қарийб 3 минг марта ўрганиш ўтказилди, маҳалларда фуқаролар қабуллари ташкил этилди.

Қабуллар жараёнида аниқланган ҳамда фуқаролар томонидан кўтарилган турли масалаларга доир 18 мингдан зиёд муаммони ҳал этиш чоралари кўрилди.

Сўнгги йилларда камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатилиши-

ни кенгайтириш, аҳоли даромадларини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада камбағаллик даражаси 2019 йилдаги 23 фоиздан 2023 йилда 11 фоизга қисқаришига эришилди. 2025 йил якунида камбағалликни 6 фоизга қисқартириш кўзда тутилмоқда.

Маҳаллий кенгашлар фаолиятида камбағалликни қисқартириш борасидаги мақсади кўрсаткичлар ижроси юзасидан назорат тадбирларини амалга ошириш учун Олий Мажлис Сенати кенгашининг ўтган йил 29 ноябрдаги қарори билан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳарлар кенгашлари ҳузурида Камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ масалалар бўйича комиссиялар тузилди. Шуниингдек, ҳудудларда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлиги борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан парламент назорати самарадорлигини кучайтириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди.

Маҳаллий кенгашларнинг жорий фаолиятидан ташқари уларнинг 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳам ишлаб чиқилиб, ҳозирда тасдиқлаш босқичида турибди.

Фикримизча, мазкур концепцияда ҳар бир депутатга жамият ва давлат соҳаларининг аниқ ҳар тармоғини бириктириш орқали унинг шахсий масъулиятини ошириш, олий индивидуал режаси кабиларни ҳам қўлиш ҳозирги замон талабидир.

Зеро, Соҳибқирон Амир Темури бобоимизнинг “Салтанат тўнини кийгач, танимдан ҳаловат кетди”, деган тасвиричан сўзлари эл-юрт хизматига бел боғланган барча маҳаллий кенгаш депутатлари амал қилиши зарур бўлган олий мезондир.

Депутат масъулиятини ўз зиммасига олганидан сўнг беғам, бепарво, лоқайд бўлиб юришига, ҳузур-ҳаловатга берилиб яшашга маънавий ҳаққи йўқ. Бу улкан ишонч ва масъулиятнинг қадрига етиш, уни ҳалол ва содиқ хизмат билан оқлаш, янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишга муносиб ҳисса қўлиш, ватан ва халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиш муқаддас бурчимиздир.

Шуниингдек, Президентимизнинг 2024 йил 20 декабрдаги “Ҳудудларда юқори иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш ҳамда бу борада маҳаллий ҳокимликларнинг роли ва масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан 2025 йилдан ер, мол-мулк ва айланма солиқларни тўлиқ, даромад солигининг камида 50 фоизини туман ва шаҳарнинг ўзида қолдириш белгиланган.

Натижада жорий йилда туман ва шаҳарлар бюджетлари даромади 9,4 триллион сўмга ёки 47 фоиз ошди. Бу ислохотлар туман ва шаҳарлар ўз ҳудудидаги муаммоларни мустақил ҳал этиш имкониятини тубдан ошириш баробарида улардан оқилона фойдаланишга ҳам шарафит яратди.

Мазкур фармон билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман, шаҳарлар кенгашлари томонидан ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий

“Ўтган давр мобайнида Сенат томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қонун маҳаллий кенгашларга юборилиб, 1500 га яқин муҳокама ташкил қилинди ва 300 га яқин тақлиф депутатлар томонидан илгари сурилди. Бу эса қонунларда ҳудудий ва умумдавлат манфаатлари уйғун бўлишига, ҳудудларнинг ўзига хос имкониятлари ҳисобга олинишига хизмат қилмоқда.”

бажарилиши устидан қатъий депутатлик назоратини амалга ошириш имкониятига эга бўлди.

Жорий йилдан бошлаб халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашларига туман ҳамда шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб

оширувчи коэффициент, хусусан, Тошкент шаҳрида ушбу оширувчи коэффициентни ер солиғи каби зоналар кесимида қўлаш ваколатлари берилди.

Халқ депутатлари туман (шаҳар)лар кенгашлари сув ресурсларидан

### Нуктаи назар



## ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАЪЛИМИ

### КЕЛАЖАК УЧУН ҲАМ МУҲИМ

Оила ва жамият устуни, ҳаётимиз кўрки бўлган хотин-қизларга эҳтиром кўрсатиш халқимиз учун азалий қадриятлардан бири. Буюк маърифатпарвар Абдурауф Фитрат таъкидлаганидек, “Фарзандларимизни яхши ҳулқ эгалари қилиб тарбиялашамиз учун, аввало, миллат оналари тарбия ва илм олишлари лозим”.

### Матлуба НОРБОБОВА, Шаҳрисабз давлат педагогика институтини катта ўқитувчиси

Ватанимизнинг бутунги равнақида, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда, оила ва жамият ҳаётида хотин-қизларнинг маънави тобора ортиб, ақсарият опа-сингилларимиз юқори интеллект, дунёвий билимлар соҳиб ва юқори малака, таърибга эга ижтимоий қатлам сифатида жамият фаровонлиги йўлида хизмат қилмоқда. Айниқса, маънавият, маданият, фан, таълим, спорт, тиббиёт соҳаларида фаолият юритаётган минглаб фидойи аёл-қизлар жамият ривожига муносиб ўринга эга.

Билганимиз, маърифатли аёл нафақат оила, балки жамият тараққиётини ҳаракатга келтирувчи қуддир. Бугун мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, илмий, маърифатли қилиш, замонавий ҳунарларни ўргатиш, бандлигини таъминлаш борасидаги ислохотлар ана шундай улғувор мақсадларга эришиш йўлида муҳим пойдевор бўлмоқда.

Шаҳрисабз давлат педагогика институтини ҳам хотин-қизлар фаолиятига алоҳида эътибор берилди. Тиллар факультетида айни пайтда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг 47 нафари, талабаларнинг эса салкам 1,5 мингга хотин-қизлардир. Институтда аёл профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини, талабаларнинг китобхонлик маданиятини ошириш борасида самарали фаолият юритилмоқда.

Хотин-қизлар давлатимиз томонидан яратиб берилётган имкониятлардан ўринли фойдаланмоқда. Жумладан, талаба қизларнинг муаммоларини ўрганиш, ижтимоий, моддий, маънавий, психологик қўллаб-қувватлаш мақсадида жадрал-режа асосида манзилли ишлар

тизини йўлга қўйилган, моддий-маънавий, ижтимоий-психологик рағбатлантириб келинмоқда. Шуниингдек, талабалар турар жойларида талаба қизларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш мақсадида компьютер саводдонлиги, шеърят, нотиклик, каштачилик, тиквучлик, пазандлик, китобхонлик, спорт, мусика, расомлик каби йўналишларни қамраб олган тўғра-рақлар ишлаётди.

Факультетларда талаба қизларнинг илмий-ижтимоий фаолигини ошириш, моддий-маънавий, ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш мақсадида “Қизларжон” ҳамда “Лидер қизлар” клублари ишламоқда. Қолаверса, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳам бир қанча ишлар қилинмоқда. Жумладан, репродуктив саломатлиқни сақлаш борасида мутахассислар иштирокида семинар ташкил этилди. Унда талаба қизларга мавзуга доир муҳим тиббий маслаҳатлар тақдим этилди. Институт талабалар турар жойларида ҳам “Оилаларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва оилавий ажралишларнинг олдини олиш” мавзусида маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Талабаларимизнинг ютуқлари алоҳида эътиборга молик. Айниқса, тиллар факультетидан Нилуфар Норсафарова ҳамда Нигора Исмоилова Навоий номидаги давлат стипендияси соҳибаси бўлиши, “Йилнинг энг фаол талабаси” танловининг республика босқичида “Йилнинг энг фаол тадбиркор талабаси” номини яқинда хорижий тил ва адабиёт йўналиши талабаси Шаҳноза Элбоеваннинг 3-ўринини эгаллаш факультетимизда 2024 йилнинг қувончли якуни бўлди.

Бу каби хушxabарлар кўпайгани олийгоҳимиз талабаларини руҳлантиради. Зеро, мамлакатимиздаги имконият ва шарафитлар янгидан янги марраларни забт этишга йўл очмоқда.

## Томорқа — хазина

# 3 СОТИХ ИССИҚХОНАДАН ҲАФТАСИГА 3 МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД

Илгари қулпнай фақат май ойда етилган бўлса, бугун қишнинг чилласида ҳам бозору супермаркетларда сотилапти. Асосан, Жанубий Кореядан олиб келиб кўпайтирилган қулпнай навлари Тошкент вилоятидан тортиб, водийда ҳам иқлим ва ер шароитига аллақачон мослашиб кетди. Ҳатто воҳаликлар қишда пойтахт аҳлини қулпнай билан таъминлашдан мўмай даромад ола бошлади.

Жумладан, қорақўллик Раҳматулло Очилов 2023 йили 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, ҳовлисидаги 3 сотих эда иссиқхона қурган. Интернетдан Жанубий Корея технологияси асосида қулпнай етиштириш сирларини ўрганди. Тўғри, аввалига қийинчиликлар бўлди, бироқ орта чекимдади. Шунча меҳнатини пучга чиқаргани келмади-да ахир. Сабдан халво унар деганларидек, гидропоника усулида парваришланган қулпнайлар декабрда пишиб етилди. Дастлабки ҳосил қарийб 23 миллион сўм фойда келтирди.

— Ерга эккан қулпнайимизнинг кўп қисми захга тегиб тургани учун чириб кетарди. Гидропоникада бундай муаммо йўқ экан. Қолаверса, қулпнай кўчатлари орасида бирорта бегона ўт ўсмайди. Ҳар туп қулпнай бир ярим килограммгача ҳосил беради. Бир қилосини ўртача 200 минг сўм атрофида топширишга, — дейди хонадон бекаси Умида Очилова.

Қулпнай етиштиришни бошлагунча йиллаб чет элда ишлаган Соатмурод Йўлдошев оиласидан йироқда ҳеч нарса ташмаслигини тушуниб етди. Маҳалладаш дўсти билан юртга қайтиб, иссиқхонада бирор эккин етиштириш ҳақида гаплашгач, ижтимоий тармоқларда қулпнай бизнесига оид кўплаб лавҳаларни кўрди. Тошкентга келиб, айни пайтда Instagram ижтимоий тармоғида 150 минг обуначиси бўлган, қулпнай етиштиришда яхшигина тажриба орттирган Баҳодир Мамедовни топди. Мана, икки йилдан бери унинг кўрсатмаси билан корей қулпнайини парваришляпти. Соатмуроднинг пайвандчиликдан хабари бўлгани учун иссиқхона қуриш харажати ҳам камроқ бўлди. Кўчат экишга келганда эса имтиёзли кредит олди. Икки сотих ерга қарийб 50 миллион сўм сарфланди. Бошланғичга 2000 туп, кейинчалик 3000 туп кўчат экди.

— Ерга эксангиз, бир сотихга 500-600 та кўчат жой бўлади. Гидропоникада эса 1500-2000 та кўчат экиш мумкин. Ердagi қулпнайнинг 1 сотихида 10 килограмм

ҳосил олинса, бу усулда икки баробар кўп ҳосил терган пайтимиз бўлди. Ўтган йили янги йил олдида ҳосилимизни Тошкентда кўтарасига сотдик. Харажатиимиз қолланди. Бу йил иссиқликни яхши етказиб бера олмаётганимиз учунми, ҳосил етилиши бир оз кечикди. Нарх у қадар юқори бўлмайдиган ўзимизнинг Сурхондарёда ҳам қилосини 150-180 минг сўм атрофида сотяпмиз, — деди ёш тадбиркор.

Сухбатдошимизга “Қишдаги қулпнай барибир ўзимизникидай бўлмайди. Ҳиди ҳам атрофни тутмайди. Шунга нима дейсиз?” деб савол бердик. Бунинг учун ҳам қаров яхши бўлишини айтган Соатмуроднинг жавоби устозининг айни хусусдаги фикри билан бир хил бўлди. Зеро, Баҳодир Мамедовга ҳам шу саволни берганимизда, “Сиз бир келиб, иссиқхонамиз эшигини очинг. Киришингиздан димоғингизга қулпнай ҳиди урилади”, деди.

Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши деб тадбиркорнинг уйига бордик. Шинамгина ховлига ярашиб турган иссиқхонадан чиқиб кеттигиз келмайди. Терига тайёр ҳосилнинг ёқимли

ифори ростдан ҳам димоққа урилди. Яшнаб ётган яшиллик орасида ловиллаган қизиллик жуда гўзал манзарага айланган. Октябрнинг биринчи ўн кунлигида экилган кўчатлар айни ҳосилга кирибди. Энг йириги салкам 150 грамм чиқадиган қулпнайларни кўриб, Олой бозоридagi мева саватлари кўз олдимизга келди. Бундай резаворнинг қилоси шу кунларда 250-280 сўмдан улгуржи топшириляётган экан. Дарвоқе, Баҳодир Мамедов мева ҳажмига мос талабгир мижозларни топа олган. Масалан, сараланган қулпнайлар интернетдаги обуначилардан ортмайди. Кичикроқлари қандолатчилик маҳсулоти-ларига эб беради. Танкичи қандолатчилик брендлари ҳам қаҳрамонимизнинг интернетдаги обуначилардан ортмайди.

Кичикроқлари қандолатчилик маҳсулоти-ларига эб беради. Танкичи қандолатчилик брендлари ҳам қаҳрамонимизнинг интернетдаги обуначилардан ортмайди. Кичикроқлари қандолатчилик маҳсулоти-ларига эб беради. Танкичи қандолатчилик брендлари ҳам қаҳрамонимизнинг интернетдаги обуначилардан ортмайди. Кичикроқлари қандолатчилик маҳсулоти-ларига эб беради. Танкичи қандолатчилик брендлари ҳам қаҳрамонимизнинг интернетдаги обуначилардан ортмайди.

Кичикроқлари қандолатчилик маҳсулоти-ларига эб беради. Танкичи қандолатчилик брендлари ҳам қаҳрамонимизнинг интернетдаги обуначилардан ортмайди. Кичикроқлари қандолатчилик маҳсулоти-ларига эб беради. Танкичи қандолатчилик брендлари ҳам қаҳрамонимизнинг интернетдаги обуначилардан ортмайди.



Баҳодир ака ҳам пандемия даври кашф этган ишбилармонлардан. Битта қопга экилган қулпнайдан бутунги даражага етиш осон бўлмаган, албатта. Қолаверса, ўша пайтда “Шуям иш бўлганими”, деганларнинг пичинги қайсидир маънода одамни тушқунликка туширарди. Бироқ у тавakkал қилди. Охири нима бўлади, харажати қопланадими-йўқми деган хавотирлардан қўчмади. Етук агрономлардан маслаҳат олди. Қулпнайчилик билан боғлиқ кўрсатма тушунчаларини умумлаштирди. Дастлаб ўша битта қопга, биоғумуснинг ўзига экилган кўчатлар бугун табиий тоза ўғитларга алмаштирилган. Иссиқхоналар кўпайиши ўғит тайёрловчилар савдосини ҳам юриштиряпти.

Кўмирдан, сувўтлардан тайёрланадиган ўғитлардан фойдаланиш мақсадида мувофиқлигини Баҳодир Мамедов шогирдларига ҳам уқтириб келди. Биз ниҳоллар остида майин, юмшоқ кюкос билан агроперлит аралашмасини кўрдик. Сухбатдошимизнинг биологик ўғит билан парваришланган мева органик бўлади-да, деган гапидан шу маънода кўнглимиз тўлди. Қулпнай хотирани яхшилаш, кўриш қобилияти, юрак фаолияти, қондаги қанд миқдорини меъёраштиришини, айниқса, саратоннинг олдини олишини билдиганлар уни мунтазам истеъмол қилади.

Баҳодир ака ҳар 2-3 кунда 5-6 килограмм қулпнай териб оляпти. Бу ҳафтагисига камида 3 миллион сўм даромад дегани. Ярми харажати қопласа ҳам қолгани рўзғорни таъминлашга бемалол етади. Қисқаси, маҳаллий қулпнайлар сотувга чиққунча иссиқхона эгалари анча-мунча фойда кўради. Айниқса, Баҳодир Мамедовга ўхшайдиган тадбиркорлар машаққатли меҳнати самарасини ижтимоий тармоқда ҳам кўрсата оляпти. Ваҳоланки, экиннинг ҳар кунги ҳолати, ҳосилнинг пишшиш жараёнини мунтазам кўрсатиб бориш учун ҳам кўнгит керак. Юзлаб юртдошимиз масофадан туриб, ундан иш ўрганипти, интилишларидан куч оляпти. Айтганча, Баҳодир аканинг уйига чет элликлар ҳам қулпнай егани кела бошлади. Тунов кунги тадбиркор оиласи билан келган бир хорижликка қулпнай териб берди. Бунинг учун меҳмон Баҳодир акага чин кўнгитдан 100 доллар тутқазиб кетди. Мезбоннинг “Қайтимини олинг”, деган гапига жавобан чет элик: “Бу меҳнатингизга яраша пул. Мен кўнглим тусанган мевани янги ва тоза ҳолатда топа олдим. Шунинг учун чин дидаан розиман”, деди.

Муножа МЎМИНОВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

# ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ:

# МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ АСОСИДАГИ ЁРИТИШ ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ

## БОЁВУТ ТУМАНИДАГИ 19-МАКТАБНИНГ БУ БОРАДАГИ НАМУНАЛИ ИШЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

### Бир неча йиллик ҳаракат натижа берди

Боёвут туманидаги мактаб директорининг иши чиндан катта ташаббус. Йирик халқаро лойиҳа грантини ютиб олиб, мактаб биносини тўлиқ замонавий ва экологик тоза иштиш тизимига ўтказиш жуда кўп саъй-ҳаракат талаб қилади. Бошқа томондан, экологик тоза иссиқлик манбаини етказиб берувчи бу технология (Chiller) юртимиз амалиётида янгилик ва ҳозирча фақат ана шу 19-мактабда мавжуд. Директор билан телефон орқали мулоқот қилганимда халқаро грант ютиб олиш осон бўлмагани, замонавий технология 7-8 йиллик саъй-ҳаракатлар маҳсули эканини айтиб берди.

— Жараён бундан 7 йил олдин бошланганди, — дейди Боёвут туманидаги 19-мактаб директори Мухтарам Ҳасанова. — Интернет тармоғи орқали БМТнинг Глобал экологик жамғармасининг қатор лойиҳалари билан танишиб чиқиб, улар орасидан ўзимизга мосини излай бошладик. Бу лойиҳаларнинг аксарияти атроф-муҳитни ифлослантirmайдиган технологияларни қўллашга қаратилгани бизга маъқул бўлди. Тегишли манзилга қайта-қайта электрон хат юбориб, уларнинг саволларига жавоб бердик, қўйилган талабларни бажардик. Аммо йиллар давомида улар ҳам, биз ҳам ўзимизга мос технологияни топишга қийналдик. Охири 120 кунлик қиш тарихини тайёрладик. Яъни 120 кун давомида худудимиздаги ҳаво ҳароратини ўлчаб, мактабни иштиш учун қанча кўмирдан фойдаланилиши, қанчаси яроқсизга чиқиб бўйича ўрганишларимизни тақдим қилдик. Синфхоналардаги ҳаво ҳарорати кўпи билан 15 даражага етишини ҳам кўрсатдик. Хуллас, мақсадимизга етмагунча тўхтамадик. Ниҳоят халқаро жамғарма бизга Хитойнинг инновацион иштиш тизимини таклиф қилди. У 1 киловатт электр энергиясини олиб, ўзида сувни иштиш ҳисобига 4 киловатт электр энергияси даражасига етказиб берадиган “ақлли” иссиқлик насоси эди. Грантни қўлга киритганимиздан кейин 2023 йилда мактаб биносига замонавий иштиш тизими ўрнатилди. Уша йилнинг қиш мавсумидаёқ янги технология самараси сезилди. Мактаб биносига иссиқлик тўлиқ таъминланди. Синфхоналардаги юқори ҳарорат 20-22, энг кўпи кўрсаткич 18 даражага етди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Иссиқлик насосининг экологик тоза технология дейилаётгани боиси шуки, қурилма одатдаги иштиш тизимлари каби газ ёки бошқа ёнилғилар ҳисобига ишламайди, сув ва электр токи асосида иссиқлик етказиб беради. Фойдаланилган вақтда атроф-муҳитга ҳеч қандай салбий таъсири йўқ. Ўзидан зарарли газ чиқармайди. “Ақлли” технология бошқа кўплаб функциялар билан ҳам бойитилган. Қурилма атрофдаги ҳаво ҳароратини доимий ўлчайди ва бино ичидаги иссиқликни шунга мослаб автоматик таъминлайди. Масалан, ташқарида ҳаво ҳарорати пайсагини сари кўпроқ иссиқлик берса, ҳарорат кўтарилганда, аксинча, иссиқликни камайтиради. Шу жиҳатдан тежамкорлиги ҳам юқори. Қолаверса, технология керакли функциялар орқали тўлдирилган сув ҳажми, иссиқлик даражаси ва ҳоказоларни кўрсатиб туради. Хуллас, фойдаланувчини ортиқча овора қилмайди.

Асосийси, мактаб биноси иссиқ, болаларнинг бемалол таълим-тарбия олиши учун яна бир қўлай шароит яратилди. Аввал мактаб биноси маҳаллий иштиш тизимига уланган ва ҳарорат етарлича таъминланмаган. Қаттиқ совуқ бўлган вақтларда-ку, ўқувчилар қалин кийимларда ўтиришига тўғри келган. Айниқса, кўмирнинг димоқни ачиштирадиган ҳидга чидашга мажбур бўлган. Ҳозирги замонавий иссиқлик насосининг эса бор-йўқлиги ҳам билинмайди, лекин бино доим бир маромда иссиқликка эга. Энди совуқ мавсумда иштиш муаммоси бу мактаб жамоасини қийнамапти.

Таълим соҳасида узоқ йиллардан бери фаолият юритаётган мактаб директори — “Меҳнат шухрати” ва “Эл-юрт ҳурмати” орденлари соҳиби Мухтарам Ҳасанованинг мақсади ҳам шу эди. Мактабда ўқитиш сифатини ошириш билан бирга ўқувчиларнинг шинам, иссиқ, барча шароитга эга хоналарда ўқиши учун интилаётган педагог билан гаплашиб, давлатимиз раҳбарининг “Мана, фидойилик...” деган сўзлари айни топиб айтилганга амин бўлдик. Мухтарам опанинг йиллар давомидаги фаолияти ва унинг кўксига тақилган орденлар ҳам ана шу фидойилик тимсоли, аслида.

— Мактаб — таълим-тарбия маскани. Бу масканда ҳар бир ўғил-қиз тўлақонли билим олиши учун таълим мазмуни бой бўлиши баробарида, ўқувчи ва ўқитувчиларга қўлай шароит керак. Қўлай шароит эса, биринчи навбатда, ёруғ, шинам ва

қишда иссиқ синфхоналардир. Ўқувчилар иссиқ хоналарда ўқиши керак. Шунда билимни янада яхши ўзлаштиради. Ташқаридаги совуқдан келиб, яна совуқ хонага кирадиган боланинг хаёли дарсда бўлиши қийин. Буни кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтганман. Афсуски, шу масала асосий муаммоларимиздан бири бўлиб келган, — дейди директор. — Таълим муассасамизда 425 ўқувчи таҳсил олади. Халқаро грантни ютиб олиб, мактабимизга замонавий иссиқлик насоси ўрнатилди, ўқувчиларнинг билимида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатила бошлади. 2024/2025 ўқув йилида ўғил-қизларимиз турли фан олимпиадаларида фаол қатнашди. 21 ўқувчимиз она тилидан миллий сертификат олган бўлса, кўпи чет тилини билиш даражаси бўйича сертификат олишга тайёрларлик кўрапти. Бу йилги 38 битирувчимизнинг яримдан кўпи аллақачон олийгоҳларга ўқишга кириш йўланмасига эга.

### Ортган электр токидан бошқа мактаблар ҳам фойдаланади

Боёвут туманидаги 19-мактабнинг замонавий иштиш тизимидан хабар топган қўшни вилоятлардаги мактаблар директорлари ҳам келиб, экологик тоза иссиқлик манбаи етказиб берувчи иссиқлик насоси (Chiller)нинг ишлашини ўрганипти, технологияга қизиқиш билдирипти. Мухтарам опа эса БМТнинг яна бошқа — қуёш панеллари ўрнатиш лойиҳаси грантини ҳам ютиб олган. Шу кунларда уни ишга тушириш жараёни авжида. Ҳафта охиригача қурилма тўлиқ ўрнатилади.

Гап шундаки, мактабдаги замонавий иссиқлик насоси электр токи билан ишлайди ва кўпроқ электр энергиясини



талаб қилади. Буни қоплаш учун директор халқаро ташкилотнинг бошқа лойиҳасида иштирок этди ва голиб бўлди. Лойиҳага кўра, мактаб биносига қуввати 100 киловаттлик қуёш панели ўрнатилди. Қурилма келаси ой бошидан ишга туширилиши керак. Бу орқали таълим муассасасини ёритиш ҳам, иссиқлик таъминоти ҳам тўлиқ муқобил энергияга ўтади.

Мактаб жамоаси бундан тежаб қолинандиган ҳарajat ва топиладиган даромаднинг ҳам чамалаб кўрди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу муқобил энергия манбаи ишга туширилганидан сўнг соати-га 100 киловатт электр энергияси ишлаб чиқарилса, бу бир кунда тахминан 800 киловатт электр токига айланади. Тармоққа қайтарилган ортиқча электр энергиясини тумандаги 55 та умумтаълим мактабнинг бир ойлик истеъмол захирасини таъминлашга етади. Бу — шунча мактабни иштиш учун бир мавсумда сарфланадиган 90 тонна кўмир тежаб қолинади, дегани. Қолаверса, мактаб жамоаси эҳтиёжидан ортган электр энергиясини давлатга сотиш ҳақида ҳам ўйлапти. Айтишларича, қуёш панели йилга 300 минг киловаттгача электр токи ишлаб чиқарса, шунинг ями мактаб эҳтиёжини тўлиқ қоплайди, қолганини эса сотиш мумкин. Олинган даромад мактабнинг бошқа ҳарajatларини қоплашга йўналтирилади.

Очиги, бундай лойиҳаларни амалга ошириш анча ҳарajat талаб қилади. Боёвут туманидаги 19-мактаб директори

Мухтарам Ҳасанова эса ҳар қандай ишни урдалаш мумкинлигини ўз тажрибасида кўрсатди. Мамлакатимиз “яшил” иқтисодиётга ўтиш йўлида фаол ҳарajatланаётган ҳозирги вақтда бундай лойиҳалар айни мудоа. Ана шундай ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, янги қувватларни кўпроқ жалб қилиш, иқтисодий ва ижтимоий жаҳда муқобил энергия манбалари улушини ошириш бу йил янада жадаллашади.

Боиси, давлат дастуридаги энг катта йўналишлардан бири энергетика билан боғлиқ. Кейинги йиллардаги қатъий ҳарajatлар туфайли мамлакатимизнинг жами қувватида “яшил” энергия улуши 16 фоизга етказилган бўлса, жорий йилда уни 26 фоизга чиқариш режалаштирилган. Бунинг учун яна 3,5 гигаваттлик 16 та йирик қуёш ва шамол станцияси, 160 гигаваттлик 5 та йирик ГЭС ва 1,8 гигаваттлик энергия сақлаш қувватлари ишга туширилади. Давлат корхоналари, саноат ва хизмат кўрсатиш мажмуалари ҳамда хонадонларда қуёш панеллари ўрнатишни рағбатлантириш давом эттирилади. Бунинг учун зарур маблағ ажратиш ҳам белгиланган.

Мақсадимиз атроф-муҳитни асраш, глобал экологик муаммоларга қарши самарали курашиш, табиий манбалардан оқилона фойдаланиш экан, бу йўлда янги тажрибаларни ўрганиш, замонавий технологияларни қўллаш муҳим йўналишлардан бўлиб қолади. Мактаб директори Мухтарам Ҳасанова бошлаб берган ташаббус “Боёвут таълим” сифатида кенг оммалаштирилади. Биз яқин йилларда унинг натижалари ҳақида яна ёзамиз.

Ирода ТОШМАТОВА,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

## Бугуннинг гапи

Бугун инсоният тараққиётини энергиясиз тасаввур этиш қийин. Негаки, ҳамма нарса шунга боғланган. Энергетика тармоғи ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ўсиши ва барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Бу соҳани модернизация қилиш ва такомиллаштириш мамлакатимизда изчил иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар жараёнида стратегик аҳамиятга эга.

# ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИ “ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКАСИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН

Давлатимиз раҳбари шу йил 28 январь кuni электр энергетикасини 2025-2035 йилларда ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди. Қайд этилганидек, охиригача йилда электр ишлаб чиқариш 38 фоиз ошиб, 81,5 миллиард киловатт-соатга етди. Хусусий секторга кенг йўл очилгани туфайли 11,2 гигаваттлик қўшимча қувват яратилди. Натижада бу

секторнинг генерациядаги улуши 24 фоизга, “яшил” энергия хиссаси эса 16 фоизга етди.

— Президентимиз ҳузурида 2035 йилгача бўлган даврда электр энергетика

соҳасини ривожлантириш концепцияси муҳокама қилинди, — дейди энергетика вазири Жўрабек Мирзамаҳмудов. — Муҳокама жараёнида иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар, лойиҳалар, ишга тушириладиган янги қувватлар, энергия таннархини камайтириш борасида вазифалар белгиланди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарига шу мақсадга қаратилган узоқ муддатли дастур тақдимот қилинди. Унда саноатда 45 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратиш, хизматлар ҳажмини 3 баробар ошириш, йирик маълумотлар марказларини ишга тушириш каби қатор мақсадлар кўзда тутилган. Шунингдек, қайта тикланувчи энергия улушини кескин ошириш, янги электр станциялари ва энергия сақлаш қувватларини барпо этиш каби масалалар ҳам ўрин олган. Бу янги тармоқларни тизимга улаш учун 7 минг километр магис-

трал тармоқ қурилиб, рақамлаштирилган бошқарув жорий қилиниши белгиланди. Бу ишлар учун келгуси беш йилда миллий электр тармоқларимизга 4 миллиард долларлик инвестиция киритилади.

Ушбу дастурни амалга ошириш, ишни сифатли ташкил этишда, албатта, кадрлар масаласи муҳим ўрин тутади. Айни мақсадда Энергетика вазирлиги ҳузурида институт ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди. Бугунги кунда юртимизда иқтидорли ёш муҳандисларга талаб юқори. Ёшларимиз орасида бу юқори даромадли касб эканига ишонч ортиб бормоқда. Мазкур олий таълим муассасаси ана шундай касб эгаларини тайёрлайди.

Мамлакатимизда хусусий секторга кенг йўл очилгани натижасида охириги 5 йилда энергетика соҳасига қарий 20 миллиард доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция жалб этилди. Аввал тўлиқ давлат тасарруфига бўлган бу тизимда 24 та мустақил энергия ишлаб чиқарувчи фаолият

бошлаган. 2026 йилдан бошлаб рақобатли савдолар орқали электр энергияси улгуржи бозори яратилади. Бунда шаффоф онлайн савдо платформаси орқали соатбай шаклланадиган нархлар асосида савдолар йўлга қўйилади.

— Президентимиз томонидан энергетика соҳасида узоқ муддатга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди, — дейди энергетика вазири ўринбосари Умид Мамадаминов. — Сир эмас, кейинги 2-3 йилда юртимизда қайта тикланувчи энергия манбалари жуда тез суръатларда ривожланмоқда. Бу манбаларнинг тармоқдаги улушини 2030 йилга бориб, 50 фоиздан ошириш кўзда тутилмоқда. Хорижий экспертлар ҳам Ўзбекистон шароитида “яшил” энергия имкониятлари кўпчилигини айтди. Айни мақсадда 3 мингта микро ГЭСда 164 мегаватт, қуёш ва шамол қурилмалари ҳисобига 750 мегаватт қувватларни ишга тушириш режалаштирилган. 2035 йилгача амалга оширмоқчи бўлган стратегиямизда буларнинг барчасини ҳисоб-китоб қилишимиз шарт.

Шу боис, мутасаддиларга электр энергетикаси соҳасини 2035 йилгача ривожлантириш дастурини, ҳар бир йўналиш бўйича тегишли қарор лойиҳаси ва “йўл харитаси”ни қисқа муддатларда тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Бугунги кунда энергия тежамкорлиги энг муҳим масалалардан бири. Бутун иқтисодиёт тармоқлари ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси яхшиланиши сари энергияга талаб ошиб бормоқда. Бунда тармоқлар ва аҳоли кесимида истеъмол маданиятини шакллантириш жуда долзарб.



Лутфулла СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Айнан энергетика иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун асос вазифасини ўтади. Зеро, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ижтимоий инфратузилма ва бошқа йўналишларни ишончли энергия таъминотисиз ҳаракатга келтириб бўлмайд.

Барқарор энергия иқтисодий ўсишга кучли таъсир кўрсатади. Энергетика инфратузилмаси ривожланиши саноатга инвестиция жалб этиш, самарадорликни ошириш ва ишлаб чиқариш ҳарajatларини камайтиришга ёрдам беради. Энг асосийси, энергиядан самарали фойдаланиш таълим, соғлиқни сақлаш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Яна бир муҳим жиҳат, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш углерод газини камайтиради ва иқлим ўзгаришига қарши курашишга катта ҳисса қўшади. Шунинг учун мамлакатимизда соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.



Президент ташаббуслари амалда

# ЗАРБДОР

## ЯРАТУВЧАНЛИКНИНГ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАЁТГАНИ

### Чорва билан иссиқхона иситиляпти

Биринчи манзилми туманининг Лалмикор маҳалласида истиқомат қилаётган Абдухўшим ҳамда Ўрозул Аҳмедовлар хонадони бўлди. Хонадонга киришимиз билан бизни ҳовлининг юмушлари билан юрган уй эгаси кутиб олди. Нима мақсадда келаётганимизни эшитгач, очиқ юз билан кутиб олган мезбоннинг чеҳрасида қувонч балқиди. Ахир меҳнатингиз доврўгини эшитиб, кимдир йўқлаб келса, албатта, қувонасиз-да.

Тахминан 10 сотих чиқадиган ҳовлида фойдаланилмай ётган ерингиз ўзи йўқ. Дарвозадан кирверишимиз билан кўзга биринчи ташланадиган нарса икки ярим сотих ерга қурилган иссиқхона бўлди. “Иссиқхонага бошланг бизни”, деймиз хонадон соҳибига. Бироқ бу оддий, одатий иссиқхона эмас экан. Иссиқхонага кирверишимиз билан бир томонда ўн-ўн беш чоғли қўй-қўзи туради. Хаёлга биринчи келадиган савол: “Иссиқхонада қўй нима қилапти?”. Бунга ҳайрон бўлаётганимизни сезган чамаси, Абдухўшим ака гап қотади: “Булар оддий қўй эмас, бизнинг печкамыз”. Янада ҳайрон бўламиз. Хонадон эгаси тушунтира бошлайди. Айтишича, икки ярим сотихли бу иссиқхонани иситиш учун газ ҳам, электр энергияси ҳам ишлатилмас экан. Улар ўрнини шу қўй-қўздан чиқадиган иссиқлик қопларкан. Ишонқирамай, газ қувурино электр симларини қидираман, аммо тополмайман. Рост экан-да, дейман. Дарҳақиқат, ташқари сезиларли совуқ бўлса ҳам иссиқхона ичкараси “ёзининг кунидай”. Мана бунини инновация деса бўлади, дейди ҳамкасбим.

Хўш, Абдухўшим ака ва Ўрозул опа қандай қилиб тадбиркорга айланди? Бундан бир йил аввал уй эгаси ёлланма меҳнат, хонадон бекаси эса тикувчилик билан шуғулланар, рўзгорнинг камини учма-уч тўлдириб яшарди.

— Буларнинг барчаси ҳоким ёрдамчисининг хонадонимизга келиб, шароитимиз билан танишиб кетишидан бошланди, — дейди Ўрозул опа. — Орадан бир оз муддат ўтиб, банк томонидан мана шу сиз кўриб турган иссиқхона қурилиб, совга қилинди. Очиги, бундан жуда хурсанд бўлганмиз. Дастлаб иссиқхонада помидор, бодринг кўчати эқдик. Ниҳоллар ҳосилга киргач, помидорнинг килосини 30 минг, бодринг эса 15 минг сўмдан сотдик. Даромад яхши бўлди. Унинг изидан кўчат билан қулупнай эқдик. Бундан ҳам



Жонибек ЭРКИН, журналист

яхшигина фойда олдик. Ҳозир лимон қўчатлари экканмиз. Биринчи ҳосилни йнгиб сотдик. Бозорга кўтариб олиб борганимиз йўқ, қишлоқдошларнинг ўзи уйимиздан олиб кетди. Очиги, бу иш турган-битгани фойда. Ортиқча харажати йўқ. Ер ўзимиз яшаб юрган ҳовлида. Газ билан электр энергиясига ҳам пул сарфламаймиз, кўриб турганингиздек қўранинг ўзи иситади.

Даромад кимга ёқмайди, дейсиз. Ўрозул опа билан Абдухўшим ака яқинда яна 2,5 сотихга янги иссиқхона қурдирибди. Буниси текин эмас, кредит асосида, аммо имтиёзли!

Икки ярим сотих иссиқхонадан бир йилда қанча даромад олдингиз деб сўраймиз. Абдухўшим ака бир оз ўйлаб, 30-40 миллион сўм бўлса керак, дейди. Демак, иккинчи иссиқхона ҳосилга кирса, умумий даромад 70-80 миллион сўм бўларкан-да, дейди ҳамкасбим. “100 миллион сўм деярверинг”, деб луқма ташлайди Ўрозул опа.

Мўмай пул топишинг ҳадисини олаётган уй бекасининг мақсадига ҳаваси келади кишининг. Айтишича, иссиқхоначиликни ўргатишга мўлжалланган ўқув маркази очмоқчи. Энг қизиғи, ўқув курси бепул бўларкан. “Савоб ҳам керак”, дейди Ўрозул опа ҳайратимизни кўриб. Серҳаракат мезбонларнинг ишига муваффақият тилаб, хайрлашамиз.

**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**



### Брокколи экиб бойиётганлар

Ҳамроҳларимиздан бири “Пахтага қараганда 15 баробар даромадли экан ҳақида эшитганмисиз?” деб савол беради. Табиийки, йўқ, деймиз. “Унда кетдик. Ана шундай экан экилаётган майдонга борамиз”, дейди ҳамроҳимиз. Бир оз юрган, мезбонлар бизни Зарбдор тумани “Ёшлик” МФЙ ҳудудидаги далага бошлаб борди. Бизни дала бошида Ўткир Қўшбоқов деган ёш тадбиркор кутиб олди. Бизнинг эса баттар ичимиз қизийди — қандай экан экан у? Ўткир ака бир бошидан айтиб беради. Айтишича, бу экан ҳозир кўпчилигимиз истеъмолга ўрганган брокколи экан. Табиийки, мен брокколини шу пайтгача импорт маҳсулот деб ўйларканман. Бироқ у алақачон юртимизда ҳам етиштирилаётган, деҳқонлар унинг ҳар гектаридан 115 миллион сўмгача даромад олаётган экан.

— Бу экан ҳақида илк марта Зарбдор тажрибасини оммалаштириш бўйича туманимизда ўтказилган тадбирларда эшитган эдим, — дейди Ўткир ака. — Аввалига бунини ўзимизда етиштириб бўлармикан деб ўйладим. Кейин бу ҳақида интернетда кўп маълумот изладик. Қарасам, туманимиз иқлими бунга



анча мос келяпти. Таваккал дедим-у, суриштира-суриштира Тошкент вилоятдан бу эканни етиштириш борасида тажрибали мутахассисларни туманимизга

харидори жуда кўп бўларкан. Юк машинасига ортиб, Тошкентдаги улгуржи бозорларга олиб бордик. Йўлда бунга талабгор топилармикан, яна қайтариб олиб келмасмиканмиз, деган фикрлар ҳам хаёлимдан ўтди. Йўқ, бозорга киришимиз билан талаш қилиб сотиб олишди. Аввалига қиммат сотдик, кейин нарх сал тушди. Бундан маълум бўлдики, кейинги сафарга брокколини эртароқ экиб, эртароқ бозорга олиб бориш керак экан.

Ўткир аканинг гапларини эшитиб, бизнинг ҳам брокколи етиштиргимиз келиб қолди. Ахир 10 гектардан бир миллион сўмдан ортиқ даромад олса ёмонми? Лекин ҳар бир ишининг ўзига яраша машаққати борлигини ҳам унутмаслик керак.

### Қадоқланган сув тўртта туманга тарқатилляпти

Кейинги манзилми — туманинг Лалмикор маҳалласида жойлашган, бугун аҳолини арзон филтрланган сув билан таъминлашга ҳисса қўшаётган “Jahongir waters” МЧЖ бўлди. Корхона раҳбари Жамшид Элмуродов бунгача тайёр ичимликлар олиб келиб, ўзига тегишли савдо дўконда улгуржи сотарди.

— Бир қуни хаёлимга шундай сувни ўзимиз ишлаб чиқарсак-чи, деган фикр

келди, — дейди тадбиркор. — Бу ҳақида ҳоким ёрдамчисига айтдим. У таклифимни маъқуллаб, қўллаб-қувватлади. Шундай қилиб, ўз маблагимиз ва банк кредити асосида қиймати 1 миллиард 300 миллион сўмлик шу лойиҳани бошладик.

Корхонадаги иш жараёни билан танишар эканмиз, фақат елим идиш капсуллари сотиб олиниши, қолган барча жараёнлар шу ерингиз ўзида амалга оширилиши гувоҳи бўлдик. Дастлаб махсус дастгоҳда идишларга сув тўлдирилади. Учинчи дастгоҳ уларни сифатли қилиб қадоқлайди. Ниҳоят елим идишларга ёрлик ёпиштирилади. Ана энди маҳсулот истеъмолга тайёр. Корхона энди уларни Жиззахнинг тўртта туманига етказиб беради. Логистика арзон бўлгани учун бу сув дўконларда арзонроқ сотилади. Бундан кимга фойда? Албатта, одамларга.

Жамшид аканинг айтишича, тез орада корхона кредит асосида газли ичимликлар ишлаб чиқариш линиясини ҳам ишга туширомоқчи. Бу эса туманда шундай турдаги ичимликлар нархи пасайишига хизмат қилади.

Бугун Зарбдорда эшитса қулоқ, кўрса кўз қувонадиган лойиҳалар талайгина. Бунинг ортида халқ ташаббуслари эшитилаётгани, қўллаб-қувватланаётгани турбди. Менимча, Зарбдор тажрибасининг мазмуни ҳам айнан шунда.

Пойтахтга қайтишга ҳозирланар эканмиз, ҳамроҳимизнинг “Бугунги Зарбдор кечаги Зарбдор эмас”, деган гапи кайфиятга кўтаринкилик бағишлади. Бу одамларнинг оруз-мақсадлари ҳақида эшитиш, уларга имконият яратиб бериш, албатта, натижа кўрсатиши ифодаси эди. Демак, ҳаракат қилса, ташаббус кўрсатса, катта ютуқларга эришиш имкони бор. Шу маънода, ўз кўзимиз билан кўргач, Зарбдор тажрибаси бутун мамлакатимиз бўйлаб оммалаштиришга арзийдиган тажриба экани тўла амин бўлди. Туманда яшаб катта даромад топиш иложсиз, деганларни эса Зарбдорга олиб бориб, ўзгаришлар билан таништириш керак.

Биз эса зарбдорликлар билан хайрлашиб, пойтахт томон йўлга тушдик. Йўл-йўлакай атрофни томоша қилиб, ўзгаришлар шу зайл давом этгаверса, 3-4 йилдан кейин бу ерларни танишга қийналиб қолсак керак, деган фикрлар ўтади хаёлимдан. Ҳамроҳларимиз эса тахминан неча соатда пойтахтга етиб боришимиз ҳақида суҳбатлашади.



Рашид ХИДИРОВ, “Лалмикор” МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси

Маҳалламизда резаворлар етиштириш бўйича ўқув майдони ташкил этилган. Бу ерда маймунжон, хўжагат, голубика қўчатлари ўстирилиб, томорқаларда экилади. Ҳосилга киргач, экспортчилар томонидан сотиб олинади. Президентимиз томорқа эгаларига бу резаворларни сифатли етиштириш илмини ўргатиш, ушбу лойиҳани кенгайтириш, аҳолининг харид имкониятини ошириш учун томорқа эгалари билан банклар ўртасида ҳамкорликни янада самарали йўлга қўйиш кераклигини таъкидлади.

## ОВОРАГАРЧИЛИКСИЗ МУҲИТ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРМОҚДА

Президентимиз қайси маҳаллага ташриф буюрса, ўша жой ҳар томонлама обод бўлиб, одамлар кайфияти кўтарилди. Ўтган йил апрелида давлатимиз раҳбари Жиззах вилоятига ташрифи асосида бизнинг маҳалламизда ҳам бўлиб, томорқа ва уй хўжаликлари фаолияти билан яқиндан танишган эди.

Бизни хурсанд қилган жиҳати, маҳалламизда аҳоли даромадини ошириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича қилинган ишлар давлатимиз раҳбарига маъқул бўлди. Туманимиздаги бошқа ишлар билан умумлаштириб, Зарбдор тажрибаси сифатида, яъни мавжуд имкониятдан фойдаланиб, драйвер соҳаларга ишсиз фуқароларни бириктириб, бандлигини таъминлаш ва даромадли қилишни бутун мамлакатимиз бўйлаб қўллаш зарурлигини қайд этдим.


Ташрифдан сўнг фаолиятимизни танқидий таҳлил қилиб, олдимизга қўйилган долзарб вазифаларни амалга ошириш учун аниқ режаларни белгилаб олдик. Энг аввало, аҳолини камбағалликдан чиқариш учун юритилаётган сиёсатни, берилётган имтиёзларни аҳолига тушунтириш лозимлигини англаб етдим.

“Маҳалла еттилиги” ҳамроҳлигида йнгилишлар ўтказиб, шунингдек, уйма-уй юриб, аҳоли билан учрашиб, бу борада қилинаётган ишлар мазмун-моҳияти, давлат

бераётган имтиёзлари имкониятлар ҳақида тушунча бердик. Маҳалламизнинг асосий драйвери деҳқончилик ва чорвачилик. Унда 3700 нафардан ортиқ одам яшайди. 668 та хонадоннинг барчасида томорқа бор. Шунингдек, аҳолига деҳқончилик қилиш учун 126 гектар ер ажратилган.

Аҳоли талаблари асосида ўтган йили 1 миллиард 800 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит, бундан ташқари, 50 сотихдан ер, субсидиялар берилди. Натижада юздан зиёд янги иш ўрни яратилди. Мисол учун, берилган имкониятдан унумли фойдаланган тадбиркор Жамшид Элмуродов 100 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига филтрланган, газланмаган сув ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, маҳалладаги ишсиз 10 фуқарони ишга жойлади.

Тадбиркор Шерзод Абдиев ўз маблаг ва тижорат банкнинг 15 миллион сўм имтиёзли кредити ҳисобидан “Оқ бўйра шлакоблок” оилави корхонасини ташкил этиб, фаолият бошлаган. Мазкур корхона



қурилишда зарур бўлган шлакоблок ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Айни дамда маҳаллада яшовчи 5 фуқарони донмий иш билан таъминлади. Яна бир маҳалладошимиз Фахриддин Холбўтаев хонадонидан иссиқхона қуриб, йилига уч марта ҳосил олмақда. Бу йил

томорқасида помидор, бодринг, картошка, сабзи, лавлаги, кўчат етиштириб, 50 миллион сўмдан зиёд соф даромад олди. Фахриддин Холбўтаевдек ишбилармон юртдошларимиз сафи кенг. Улар иссиқхоналарда помидор, бодринг, булғор



қалампери, лимон, очиқ майдонда картошка, сабзи, пиёз ва бошқа турдаги экан ҳамда кўчатлар парваришлаб даромад топиб, аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифидан кейин маҳалламизга бутун мамлакатдан маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, соҳага қизиқувчилар келиб, томорқачиларимиз, тадбиркорларимиз фаолиятини ўрганиб кетмоқда.

Ватанимиз кенг имкониятлар мамлакат, халқимиз эса меҳнатқаш, ишбилармон, ҳаракатчан. Тажрибамдан келиб чиқиб айтганим: аҳоли фаровонлигини ошириш, даромадли қилиш, камбағалликни қисқартиришда давлатимиз томонидан берилётган имкониятлари имтиёзлар бўйича, аввало, одамларни хабардор этсак, ташаббускорларни овора қилмай, қўллаб-қувватласак, фуқаролар бандлиги таъминланиб, фаровонлиги изчил ошиб, камбағаллик даражаси кескин пасаяди.

Ҳоким Йўлдошев олган суратлар.

# ТАЖРИБАСИ:

## ОДАМЛАРНИ БОЙ, БОЙЛАРНИ ТАДБИРКОР ҚИЛМОҚДА

Туманимизда аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, маҳаллаларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш борасидаги ишлар жадал давом этмоқда. Эътиборлиси, ўтган йили бажарилган ишларимиз давлатимиз раҳбари назарига тушиб, бутун мамлакатимиз бўйлаб Зарбдор тажрибасини кенг жорий этиш топшириғи берилди. Бу эътироф туманимиз учун катта шараф.

**Қиличбек НУРМАТОВ,**  
Зарбдор тумани ҳокимининг  
молия-иқтисодиёт ва  
камбағалликни қисқартириш  
масалалари бўйича биринчи  
ўринбосари



### МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАРДАН АҲОЛИ МАМНУН

Бошқа лойиҳаларда ҳам иш қизгин. Жумладан, 90 гектар майдонда узумзор, 10 гектарда голубика, малина, ежевика, кулуннай каби юқори даромадли резаворлар плантациясини ташкил этиш учун “ЗАРБДОР АКТИВ” МЧЖ томонидан “Тоза уруғ” маҳалласидаги 105,5 гектар ер атрофи темир-бетон устунлар билан ўралган. Бу ерда 60 киши ишламоқда. 75,5 гектар ер эса шудорланган. 2 гектар ерга “Чарос” навли узум экилган.

Шунингдек, “Умид” болалар истироҳат боғини замонавий кўринишга келтириш лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда. “Равот” МФЙда жойлашган мазкур истироҳат боғи ҳудудида янги ва замонавий аттракционлар ўрнатиш ҳамда 50 дан ортиқ хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш бўйича давлат

Бугунги ислоҳотлардан келиб чиқиб, татиқ қилинаётган ҳаётий тажрибалар туман аҳолисини уйғотди, десак муболага бўлмайди.

Туманимиздаги 24 та маҳаллада яшовчи хонадонларга асаларичилик, балиқчилик, иссиқхоначилик, паррандачилик, беданачилик каби даромад келтирувчи миллий лойиҳалар пакети таклиф этилди. Аҳолининг талаби асосида мазкур хонадонларга 60 қути асалари, 73 та иссиқхона ускунаси, 28,5 мингта говуқ, 6,7 минг туп кўчат, 3,6 мингта бедана, 555 бош қўй ва 25 та мотокультиватор етказиб берилди. Ушбу маҳсулотларнинг харидори сифатида 23 етакчи тадбиркор бириктирилган. Натижада аҳолининг бандлиги таъминланиб, ҳар бир хонадон 50-60 миллион сўмгача даромад оляпти.

муваффақиятли синовдан ўтди. Бонси, 2024 йилнинг ўзида туманининг Ёшил ва Тошкесган маҳаллаларида жами 50 гектар ерда ана шундай маҳсулотлар етиштирилиб, юқори даромад олинди.

Яхши ҳосил олиш самарадор сугориш тизимини талаб қилади. Шу туфайли Зарбдор туманида 2025 йилга мўлжалланган лойиҳалар орасида “Зарбдор туманидан ўтувчи “ДМ-3” каналдан сув олувчи ёпиқ ички сугориш тизимларининг 160 километр қисмини реконструкция қилиш” лойиҳаси ҳам бор. Буни амалга ошириш натижасида ортиқча сув сарфининг олди олинади ва ҳудуднинг сувдан фойдаланиш коэффициенти 93-95 фоизга етади, сув ҳисоб-китобини юритиш учун имкон яратилади. Пировардида фойдаланувдан чиқиб кетган ер қайта киритилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми қўшимча 35 минг тоннага ортади. Ҳудудда ортиқча насос агрегатлари ва артезиан қудуқларига сарфланаётган 13 миллион киловатт электр энергиясини сув тежовчи технологияларни қўллаш учун йўналтириш имкони туғилади. Шунингдек, келажақда 270 километр узунликдаги ёпиқ қувурларни тўлиқ автоматик бошқарув тизимига ўтказиш учун замин яратилади.

Бутун туманда Зарбдор тажрибаси деганда, кўпчилик “Зарбдор парранда” МЧЖ томонидан ташкил этилган паррандачилик кооперациясини мисол келтиради. 2024 йилда ташкил этилган паррандачилик кооперациясининг йиллик ишлаб чиқариш қуввати минг тонна, жами йиллик маблағ айланмаси 33 миллиард сўм. Унда 65 ходим меҳнат қўйди. Корхона томонидан 2024 йилда тумандаги 415 та хонадонга 240 минг бош парранда тарқатилиб, қўшимча 730 та иш ўрни очилган. Корхонанинг 2025 йилга мўлжалланган мақсадлари янада салмоқли. Жорий йилда кооперация томонидан тумандаги 12 та маҳаллада яшовчи 1046 та хонадонга 1 миллион бошга яқин парранда тарқатиб, 1500 фуқаронинг бандлиги ва даромад манбаини таъминлаш белгиланган.

Бундан ташқари, Президентимизнинг йўл ёқаларида савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини кўпайтириш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича топшириқлари доирасида “Тоза уруғ” МФЙ ҳудудида тегишли банкларнинг 21,7 миллиард сўм маблағи асосида А-376 йўлининг 1,8 гектар майдонида 5 та умумий овқатланиш, 2 та меҳмонхона, 5 та савдо дўкони, 1 та соғломлаштириш маркази, 2 та ҳожатхона, 2 та электр қувватлаш жойи, 30 та бошқа турдаги сервис шохобчаси ташкил этилмоқда. Натижада жорий йилда ушбу лойиҳа асосида 250 та янги иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбарининг туманимизга ташири чоғида биринчи навбатдаги вазифа сифатида аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш шароитини яхшилаш, бугунги ислоҳотлардан рози қилиш, камбағалликни қисқартириш бўйича берилган топшириқлар ижроси юзасидан қилинган ишлар туфайли ҳам аҳоли мамнун, ҳам туманимиз обод бўлмоқда.

### “ТЕМИР ДАФТАР” ДАН ИШ БЕРУВЧИГАЧА...

Бундан бир неча йил олдин ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар қаторида эдим, “Темир дафтар”да рўйхатга турардим. Давлатимиз яратиб бераётган имкониятлардан фойдаланиб, ҳозир тадбиркорга айландим.

**Комила ЖЎРАЕВА,**  
Зарбдор туманидаги  
“Зирапча” МЧЖ раҳбари



Бунинг ҳам ўзига яраша тарихи бор. Ёлғиз онаман, етти болам билан ижарада яшаб, ижара пулини вақтида тўлолмайд қолганимдан сўнг хонадон эгаси уйни бўшатишимни талаб қилди. Маҳалла фуқаролар йиғинига моддий ёрдам сўраб бордим, турли баҳоналар билан рад жавоби берилди. Ўша пайтда бундан хафа бўлгандим, ҳозир ростдан хурсандман. Ҳар сафар шу воқеа эсимга тушса, ўша пайтдаги маҳалла масъулларини дуо қилиб қўяман. Агар улар болаларимга нафақа пули берганида мен ўша пулни у ойдан бу ойгача етказишга ҳаракат қилардим. Ўзимда ҳозиргидек тадбиркорлик қилиб, боийишга, яхши яашагача интилиш бўлмасди.

Ҳозирги томорқа хўжалигимиз майдони туман ободонлаштириш бўлимига қарашли ташландиқ ер эди. Келиб қайла қурдим, болаларим билан ўша ерда яшадим. Ерни ўзлаштириб, дастлаб гул эдим. Жиззахдан, Самарқанддан, Фарғона водийсидан турли дарахт кўчатлари олиб келиб, йўл ёқасида гул ва дарахт кўчатлари савдосини йўлга қўйдим. Бирпасда қаровсиз ерлар гулзорга айланди. Ишларим шу йўлдан ўтадиган туманимиз раҳбарияти назарига тушди. Бир кунни келиб фаолиятим билан танишиб, қояларим билан қизиқишди. Мен “Мана, гул кўпайтиряпман. Халқимизни гул билан таъминламоқчиман”, дедим. “Нима ёрдам керак?” деб сўраганида “Менга ер майдони керак, битта иссиқхона қуришим учун кредит олишимга ёрдам беринг, меҳнат қилиб оёққа тураман, кредитини ўзим ёпанам, ўзим эллаб кетаман, битта иссиқхона етишмаяпти”, дедим. Менга ер ажратиб берилди. Аввал битта

эҳтиёжман, кам таъминланган аёллар учун алоҳида уй қуриляётгани, менга ҳам икки хонали уй ажратилишини айтганида, тўғриси, ишонмаган эдим. Лекин рост экан, Яратганга шукр, ҳозир ўзимнинг уй-жойим, шахсий замонавий автомобилларим бор. “Зирапча” масъулияти чекланган жамиятини очдим. 35 маҳалладошимизни доимий иш билан таъминлаганман. Бундан ташқари, 50 нафаргача мавсумий ишчимиз бор. 2023 йилда “Йил аёли” кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этиб, “Йилнинг энг жонқуяр аёли” номинацияси соҳибаси бўлдим.

Президентимиз ўтган йили апрелда туманимизга ташриф буюриб, Зарбдор тажрибасини оммалаштиришни таъкидлади. Ташрифдан сўнг Президентимиз борган Лалмикор маҳалласида бўлиб, маҳалланинг тадбиркорлари, томорқачиларини учун кредит олишимга ёрдам беринг, меҳнат қилиб оёққа тураман, кредитини ўзим ёпанам, ўзим эллаб кетаман, битта иссиқхона етишмаяпти”, дедим. Менга ер ажратиб берилди. Аввал битта



иссиқхона қурдик. Болаларим билан ўша ерда қишлоғим пайтларимиз ҳам бўлди. Гул кўчатларини парваришлаш табиатимизга яқин юмуш бўлгани учун келажакимни гулчиликда кўрдим. Аста-секин яна иккита иссиқхона қурдик. Атрофига мевали дарахт кўчатлари эдик. Яқинда қудуқ қаздириб сув чиқардик. Унгача қўшимчиликдан челақлаб сув ташиб, экинларимни кўкартирганман. Туманда бу йўналишда рақобатчи камлиги учун тез кўзга кўринди. Аҳоли ва ташкилотлар буюртмаси кўпайиб қолди.

Орадан кўп ўтмай, туман раҳбарияти келиб, шароитим билан яна танишиди ҳамда келгусидаги режаларим билан қизиқди. Бир неча кун ўтиб, туман хотин-қизлар бўлими раҳбари

шугулланяпти. Бундан ташқари, биогумус тайёрляпти. Ха айтганча, тўтиқуш ҳам парвариш қиламиз.

Ушбу муваффақиятларимнинг асоси, аввало, Яратганнинг инояти, қолаверса, мамлакатимизда “Инсон қадрини учун” таъминли асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражаси, яшаш шароитини янада яхшилаш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва даромадларини ошириш орқали камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича қилинаётган ишлар самарасидир.

Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, янги иш ўринлари яратиб, халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўқинлиги, ватанимиз тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз.

Кўш саҳифани “Янги Ўзбекистон” мухбирлари  
Жонибек АЛИЖОНОВ ва Фарҳод НЕЪМАТОВ тайёрлади.



Туманимиз аҳолиси 100 минг кишига яқин. Бу бутун вилоят аҳолисининг 6 фоиздан зиёдини ташкил қилади. Аҳолининг икки мингдан ортиғи ишсиз. Яна икки мингдан зиёди хорижда ишлаяпти. Асосий мақсадимиз бу рақамларни янада камайтириш.

Шу кунгача 5200 та оиллага 20 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредит, 1 миллиард сўмдан зиёд субсидия, 700 гектардан ортиқ ер бўлиб бердик.

Туманимизнинг асосий иқтисодий ўсиш драйвери — чорвачилик, паррандачилик, текстиль ва тўқимачилик ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш. Туманимизда Зарбдор тажрибаси қўлланиши натижасида 2024 йилда 3 та лойиҳа ишга туширилди ҳамда мингга яқин одамнинг бандлиги таъминланди. Жумладан, “Зарбдор парранда” МЧЖ кооперация шаклида “тўш етиштириш учун парранда етиштириш” лойиҳасини йўлга қўйиши натижасида 670 та, “Ютуқ майдони” фермер хўжалиги “мини пахта заводи” лойиҳасини ишга тушириши натижасида 200 та, “LOGIDEC LINE” МЧЖ “транспорт хизмати” лойиҳасини ташкил этиш натижасида 50 та иш ўрни очилди.



бюджетидан 1,5 миллиард сўм ажратилиб, “DAVR PROEKT” МЧЖ томонидан лойиҳалаш ишлари бажарилляпти.

Камбағалликни қисқартириш борасидаги энг муҳим саъй-ҳаракатлардан бири томорқадан унумли фойдаланишдир. Туманимизда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Ўн мингдан ортиқ хонадон рўзгорига томорқаси ортидан баракка кирмоқда. Зарбдорликлар яқин йилларгача томорқасида маҳсулот етиштириш, даромад топиш ҳақида ўйламасди.

Бундан ташқари, 24 та маҳаллага 4 та давлат тижорат банки бириктирилиб, ҳар бир маҳалланинг бизнес-режаси тўлиқ ишлаб чиқилди ҳамда ҳар бир маҳаллага бириктирилган банклар ва ҳоким ёрдамчилари томонидан ўртача 5-7 та кам даромадли — жами 170 тага яқин хонадон танаб олинди, уларга кўмаклашилди.

Туманимизнинг 2025 йилга мўлжалланган режаси ҳам анча залворли. Зарбдор тажрибаси асосида 11 та йирик лойиҳа амалга оширилади. Уларнинг қиймати 118,4 миллион долларни ташкил этиб, 3200 дан зиёд иш ўрни очилади. Масалан, қиймати 15 миллион доллар бўлган “чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш” лойиҳаси туфайли 400 та янги иш ўрни пайдо бўлади. Лойиҳага “Алоқабанк” томонидан 13 миллион доллар миқдорда кредит ажратилиши белгиланган. Қиймати 28 миллион доллар бўлган “султирилган минерал ўғит ишлаб чиқариш ташкил этиш” лойиҳаси ишга туширилиши натижасида яна 300 иш ўрни очилади. Шунингдек, 15 турдаги ижтимоий ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши натижасида ҳам қўшимча 250 та иш ўрни пайдо бўлади.

Зарбдор тажрибаси асосида 2025 йилда қилинадиган ишлар орасида қудуқ қазиб сув чиқариш ҳисобига 100 гектар ерни кооперация асосида ижарага бериб, экспортгоб, юқори даромадли экинлар етиштириш ҳам бор. Бу тажриба



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ  
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Ёшлар минбари

ФИЛЬМЛАРНИНГ ТИЛИ ВА ТАРЖИМАСИ

ХАЛҚҚА ЯҚИН, ТУШУНАРЛИ БЎЛИШИ КЕРАК ЭМАСМИ?

Кино ўзининг шаклланиш босқичида бир-бирига яқин соҳалардан тажрибаларни сингдириб олгани боис, қисқа вақт ичида чинакам санъатга айланишига, анъанавий санъатлар билан бир санъатга имкон яратилди. Кино ривожлангани сари унинг муайян мамлакатдаги бадиий маданият тизими билан муносабатлари мураккаблашиб, ўзаро ижодий алоқа ва ёрдамлашиш хусусиятларини касб этди.

Дарҳақиқат, кино инсонда ҳаётнинг у ёки бу жабҳаси ҳақидаги тасаввурини шакллантирибгина қолмай, балки унинг кейинги идроки ва фикрига таъсир ўтказди, яъни узок вақт давомида муайян объект, жараён, ҳодисага боғланган ўзига хос образни ривожлантиради. Кинонинг мукамал чикришида эса тил муҳим аҳамият касб этади. Тил ва маданият масаласи жуда қадимдан долзарб мавзулардан бири бўлиб келган. Чунки

тил орқали ҳар бир миллатнинг ҳулқи, маданияти, қолаверса, миллат сифатида нечоғлиқ ўрин эгаллагани маълум бўлади. Мамлакатимиздаги кино санъати бир асрдан зиёд тарихга эга бўлиб, ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтган. Бу давр мобайнида ўзбек киносининг пойдевори яратилиб, у халқимизнинг маданий-маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнади. Бугун ушбу соҳа фаолиятига баҳо берадиган

бўлсак, бу борада муайян ютуқлар билан бирга жиддий нуқсон ва камчиликлар кўзга ташланади. Аксарият фильмларимиз гоъвий-бадиий жиҳатдан саёз, ҳашаки қаҳрамонларнинг ўз тили билан айтганда “кўрпача” сюжетлар томошабин диққатини чалғитади. Одамларни ўйлантираётган, ҳаяжонга солаётган жиддий муаммолар кам кўтаришмоқда. Киноларимизда майда мақсадлар билан яшайдиган, ҳаётга фақат истеъмолчилик кайфияти билан қарайдиган кимсалар асосий қаҳрамон сифатида тасвирланаётгани ташвиш уйғотмасдан қўймайди. Буларнинг сабаби, шубҳасиз, ҳозир ёзилган сценарийлар ва режиссёрлар савияси билан боғлиқ. Ҳўш, бу борада соҳада фаолият юритаётган ёшлар ва мутахассислар нима дейди? Биз уларнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқдик.

СОДДА, РАВОН ТИЛДА ЁЗИЛГАН АСАР МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНАДИ

Мурод НАСИМОВ, “Иллюстрация” актёрлик мактаби раҳбари:

— Кинода сўз фильми англаш аҳамияти билан мустаҳкамланади. У ҳам театрга ўхшаб қаҳрамон фель-атворини очиб беради. Хатти-ҳаракат учун туртки бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир эпизоднинг вазияти ҳамда руҳиятини акс эттиради. Қаҳрамон тилининг ўзига хослиги актёрларга ўзи ижро этадиган образ устида ишлашда ёрдамлашади, унинг ички оламини тушуниб олишда кўмак беради. Режиссёр қанча билимдон бўлмасин, кинодраматургсиз барибир ожиздир. Худди шундай, сценарийнавис ҳам қанчалик даҳо

безағини эмас, балки таъсирчанлиги билан унинг ички галаёнлари, кечинмаларини ўзида мужассам этиши керак. Бадиий юки бўлмаган мижговлик кинога тўғри келмайди. Монологлар иложи борича қисқа-лунда, аниқ бўлгани яхши. Фильмда сўз ўз манъига эга бўлса ва унинг ҳар бири қатъий заруратдан келиб чиқиб ишлатилса, бошқа гап. Бусиз сўз киноасарда ўз маъносини йўқотиб, воқеалар ривожини, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларини шарҳлаб қўяди, холос. Масалан, эфирга узатилаётган сериаллар хусусида шундай деса бўлади. Умуман, сериал ҳақида соатлаб гапириш мумкин, айниқса, сарлавҳалардан пешонангиз тиришиб кетади. Яқинда YouTube платформасидан битта



киношунослар тадқиқотларида тил масаласи кўп ўрганилган. Кинода сўз билан тасвир боғлиқлигининг тўлақонли ижодий ечимига эришиш фильмининг кинематографик савияси ва бадиий таъсирчанлигини белгилайди. Нафақат қаҳрамон нутқида, балки сценарийнинг ёзилши услубидаёқ воқеа-ҳодисаларни қуруқ баён этишдан қочиш керак. Сценарий сўзлар воситаси билан воқеанинг тасвирий лавҳасини, муҳитини ёрқин жонлантириши лозим.

Кино дарғаси Йўлдош Аъзамовнинг ўтган асрининг 70-йилларида суратга олинган “Ўткан кунлар” фильмида сўзнинг қувватидан борича фойдаланилган десам, адашмаган бўламан. Тан олинг, элик йилдан ошган бўлса-да, ўша кинони қайта-қайта кўраверасиз. Сабаби нимада деб ўйлайсиз? Оддий: савияли бадиий жамоа ҳамда асарнинг содда, равон тилда ёзилгани учун ҳам ушбу фильм юксакликка эришди. Асарда кўп ҳолларда қаҳрамонлар сўзсиз ҳаракатлар орқали нима демоқчи эканини кузатишимиз мумкин. Қумушнинг ўша ёд бўлиб кетган “Сиз ўшаму?” деган гапи нега хотирамизда муҳрланиб қолган? Чунки мана шу икки оғиз гап ичида самимий бир муҳаббат тўлиқ ифода этилган. Тўрт бўғинли сўзларда нима аширилганини ёзувчи ҳам, режиссёр ҳам томошабинга англаш билган.

Мелис Абзалов, Шухрат Аббосовнинг фильмларида ҳам асар мавзуси ҳамда унда ижро этилаётган тил сақлаб қолинган, фақатгина режиссёрлар ўз дунёқарашини орқали фильмга ўзгача тус бера олган. Бугун ҳам тилни ҳурмат қиладиган режиссёрлар бор, афсуски, кўп эмас.

“АХИР ОДАМГА ЎХШАБ СЎЗЛАСАНГ ТУШУНАМАН-ДА!”

Дониёр ЁРМУРОДОВ, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси, режиссёр:



— Тил киноасар таржимаси билан бевоҳида боғлиқ. Миллий киноларимиздаги тил масаласи жаҳон дурдоналарининг тилимизга таржима қилиниши муаммосини ҳам кўтариб чиқади. Бу табиий. Шунинг учун руҳсат берсангиз, ушбу масалани таржима орқали изоҳлашга уриниб кўраман.

Хориж киностудияларида яратилган кинофильмларни ўзбек тилида томоша қилаётганимизда уларни қачон ва қайси юрт киночилари яратганидан қатъи назар, азалдан ўзбекча суратга олингандек қабул қиламиз. Боиси, ўзга тилда яратилган киноасма моҳирона ўғрилган, қаҳрамонлар овозига монанд овоз соҳиб топилган.

Йўқ, сиз бир тасаввур қилиб кўринг-а, дубляж санъатининг бошланғич даври 1938 йилга бориб тақалади. 1938 йил! Биринчи дубляж “Бой келинчак” мусиқий фильмидан бошланган. Фильм матнини Абдулла Қаҳҳор ва Ҳамид Олимжон ўзбек тилига ўтирган, йиллар ўтиши билан дубляж ҳам санъат даражасига кўтарилган. Ўзбекистонда кучли дубляж мактаби яратилди.

Дубляжда энг муҳими таржима, тўғри танланган актёрлар ансамбли ва ундаги ижодий гуруҳнинг ҳамжиҳатлиги. Биргина овоз бериш жараёни таржимон ёки матн муаллифи, муҳаррир, режиссёр, актёр, овоз оператори, монтажчи, матн жойлаштирувчидан иборат ижодий гуруҳ томонидан амалга оширилади. Аввал таржимон дубляж қилинадиган фильмининг синхронизацияси, ундаги монолог ва диалоглар қайси вариантда, қандай ҳолатда талаффуз қилинишини аниқ билиб олиши лозим. Таржимондан сўнг муҳаррир ҳар бир сўзни актёр талаффузига солиштириб, таҳрир қилади. Диалог пайтида лаб ҳаракати айтилаётган сўзга мувофиқ бўлиши керак. Режиссёр фильм қаҳрамонлари овозига мослаб актёр танлайди. Ниҳоят актёр овозига турли шовқинлар қўшиб ёзилади. Мусиқа ва табиий товушлар одатда фильмининг асидан олинди, баъзан янги вариант ҳам тайёрланади.

Устоз журналист Жалолиддин Сафоев ўзбек таржима ва дубляж санъати ҳамда маҳорати ҳақида гап кетганда, “Кўз ўнгимга “Иван Васильевич касбини ўзгартиради” фильми келади”, деб бежиз айтмаган. Жалолиддин ака фильм дубляжидида иштирок этган бетакрор санъат усталарининг маҳорати ҳақида эмас, мазкур фильм таржимаси хусусида икки оғиз гап ёзганини ўқиган эдим. Қисқача мазмунини тушунирсам. Ушбу комедияни ўзбек тилига истеъдодли таржимон Мирзояд Мирзоядов ўтирган. Бадиий фильм воқеаларида ўтмиш ва замон қаҳрамонлар ҳаётида уйғунлашган. Шу боис, XVI аср одамнинг тили билан XX аср кишининг сўзлашувидаги сўз бирикмалари, услуб, иборалар, энг муҳими, ҳар бир қаҳрамоннинг характерига мос тил ўзбекчага қойилмақом таржима қилинган. Таржимон ўзбек тилининг

ўзига хос жозибасини бутун бўйи баста билан кўрсатишни удаллашган. Баъзи бир мисолларга мурожаат қилсак.

Шоҳ Иван Васильевич режиссёр Якин билан мулоқотда бундай дейди: “Да, как же тебя понять, коль ты ничего не говоришь?”. Бир қарашда “Сени қандай тушунса бўлади, ахир ҳеч нарса демаясан-ку”, дегандек гап бу. Аммо таржимасини қаранг: “Ахир одамга ўхшаб сўзласанг тушунаман-да”. Нақадар ўзбекча ва ўша вазиятга узукка кўз қўйгандек тушган ибора.

Режиссёр Якин билан Зинаида ўртасидаги диалогда шоҳ Борис роли устида гап кетганда, парда ортидан Иван Васильевич шитоб билан чиқиб, ҳақиқий Борис шоҳ ҳақида бундай дейди: “Так он, лукавый, презлым заплатил царю за предобрейшее!.. Сам хотел царствовать и всем владеть!.. Повинен смерти!”. Албатта, бу ерда қаҳрамон XVI асрга хос тилда сўзламоқда. Энди таржиманинг раволигини бир кўринг: “Догоули, унинг қилмиши бадкирдорликдан иборат эди, ўзи подшолик қилиб, ҳамма нарсасига эга чиқмоқчи бўлди. Бу қилмиши учун ўлимга маҳкум!”.

Энди ҳар ким ўз тилида ва жамиятда тутган макомига мос тарзда гапириши лозим деган талабга ҳам Жалолиддин ака бир мисол келтирган. Қўшни хотин шоҳ Иван Васильевични эри Бунша деб ўйлаб, зуғум қилиб турган жойида подшо: “Оставь меня старушка, я в печали”, дейди. Ўзбекчаси “Мени ўз ҳолимга қўй, кампир, ҳозир ўзимнинг дилим сиёҳ”, деб ўтирилган. “Печаль”, “печально” сўзларининг луғатлардаги биринчи маънолари сифатида қайту, ҳасрат, гусса, андух, хаффа сўзлари берилган. Ҳўш, таржимон нега “дилим сиёҳ” сўзини танлаган? Эҳтимол, мутаржим, энг аввало, ҳўш, бу гапни ким айтмоқда, деган саволни ўз ўзига берган бўлиши мумкин. Чунки барчага ҳукми ўтадиган ҳўмдор қайтуга ботиб, ҳасрат чекиб ўтирмайди-да. Унинг фақат дили сиёҳ бўлиши мумкин.

Хуллас, бугун таржима қилинаётган хориж фильмларининг қуруқ, ўзбекча истилоҳлардан холи ва қашшоқ тилидан тўйиб кетган томошабин “Иван Васильевич касбини ўзгартиради” сингари фильмларини нега қайта-қайта мароқ билан кўришини мана энди тушунаман...

Кинематографияда сезиларли изланишлар қилинаётган бўлса-да, салмоқли картиналар суратга олиш, томошабин бадиий ва эстетик дидини ўстирувчи, руҳий оламини, ботиний кечинмаларини тафтиш қиладиган яхши кино маҳсулотларига эҳтижмиз катта. Миллий фильмлар бадиий яхлитлигини таъминлаш учун, аввало, режиссёр, сценарийнавис ва томошабин учлиги ҳамфикр бўлиши, бир-бирини тушуна олиши лозим.



Баҳодир ЖОВЛИЕВ, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети магистранти, филолог:

— Ўзбек актёрлик санъати қадим тарихга эга. Унинг сарчасмалари ибтидоий жамиятдан бошланган: табиат ҳодисаларига топиниш, ибтидоий одамларнинг эътиқодларига доир маросимлардан, овчилик билан боғлиқ кўпчилик бўлиб ижро этиладиган ўйинлар, пантомималардан келиб чиққан.

Кино Туркистон ўлкасида пайдо бўлганидан бери — XIX аср охири — XX аср бошларида маҳаллий аҳоли орасида катта шуҳрат қозониб, ўзбек миллий маданиятининг ажралмас қисмига айланди. Кинематография икки-уч авлод олдида техник янгилик ва қўшимча ўйин-кулгидан ўзбек халқи кундалик ҳаётининг бир қисмига, янги санъат ва кенг қўламли



бўлмасин, режиссёрсиз унинг ижод маҳсули экран юзини кўра олмайди. Бунинг учун икки ҳамфикр инсон, яъни яхши сценарийнавис билан режиссёр биргаликда ҳаракат қилса, кутилган натижага эга бўлади. Яхши кино асари ва телесериаллар юзага келади.

Бугунги ижрочиларнинг лаж нутқиға эътибор берганмисиз? Кўпчилиги сўзни ҳис қилмасаям керак деб ўйлайман. Қаҳрамонлар нутқидаги монологлар ва савол-жавоблардаги ҳар бир сўз қатъий ишланган бўлиши зарур. Сўз қаҳрамон хатти-ҳаракати

келин сўзи билан боғлиқ йигирма учта сериал номини санабман: “Аферист келин”, “Эрига хиёнат қилган келин”, “Карагачи келин”, “Зинони касб қилган келин”, “Тўёқли келин”, “Наркоман келин”... Кафолат бераман, ҳеч бирини охиригача кўришга тоқатингиз етмайди. Бутун бошли сериалда ишлаган сўзлар сони эса уч юзта ҳам чиқмас керак. Тушунмайман, тил, сўз, мантиқ — ҳаммасини четлаб ўтиб, нима суратга олиш мумкин?!

Фильм яратиш жараёнида, жаҳон киносининг мумтоз назарий асарларида ҳамда

БИЗГА “СУПЕРҚАҲРАМОН” ЭМАС, ЎЗИМИЗДЕК ОДДИЙ ИНСОН ЛОЗИМ

томошага, маданий ҳодисага эврилди. Бу даврда миллий кинематография мактаби, томошабинлари шаклланди. Ўзбекистонда кино ишлаб чиқариш асослари — институционал тузилмалар ва молиявий база яратилди, кино жараёнининг гоъвий устувор йўналишлари, баҳолаш парадигмалари белгиланди.

Айтмоқчиманки, бугун ҳам яхши кинолар олинмоқда. Кино яхшими, демак, тили ҳам яхши бўлади. Кинони ерга уриш билан ҳаётимиз обод бўлиб қолмайди. Охириги бир неча йилда тарихий фильмлар ҳам ишлана бошланди. Улардаги матн, масалан, мени қониқтиради. Албатта, камчиликлари бор. Лекин уларни соҳа вакиллари яхшироқ англайди. Миллий киноимизда Зулфиқор Мусоқов, Жаҳонгир Қосимов каби катта авлод

режиссёрлари билан бирга Ёлқин Тўйчиев, Аюб Шаҳобиддинов, Мансур Васаби каби ўрта авлод режиссёрлари ҳам бор. Улар ўз услуби, ўз йўналишига эга. Ишлаган асарлари халқимиз учун қадрли фильмларга айланиб улгурган. Кейинги йилларда кинода Жаҳонгир Аҳмедов, Умид Ҳамдамов, Сарвар Қаримов, Музаффар Эркинов каби режиссёрлардан иборат янги бир авлод ҳам пайдо бўлдики, кинода янги “қўриқ”лар очил айнан уларга кўпроқ тааллуқли.

Ёзувчи ва шоир Хуршид Абдурашид айтганидек, фильмларимизда нафақат тил, балки ўзи ҳам гўзал бўлиши учун тоза сценарий керак. Яхши сценарийнинг ёзиш учун яхши бир қаламкашга эҳтиёж бор. Адабиёт билан кино бир-бирини билиши, тушуниши, ҳамжиҳат бўлиши



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Азизбек ЮСУПОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДМ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида сақлалади.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146.  
35033 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоиси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов  
Мусахҳиш: Шерзод Маҳмудов  
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй